



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “25 ” mart

Қ-195 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани “Сурхон” массиви худудидан “ZUFAR-БЕКАТИ” МЧЖга боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик билан шуғулланиш ва енгил конструкцияли иссиқхона қуриш ҳамда кемпинг қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 22 февралдаги 05-02/110-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 30 январдаги 01-05/37-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани “Сурхон” массиви худудидан “ZUFAR-БЕКАТИ” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 793қ, 789қ ва 789а-дала контурларидаги жами 59,83 гектар шундан 7,91 гектар бўз ер, 51,09 гектар яйлов, 0,37 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,46 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва полизчилик билан шуғулланиш учун, 793қ-дала контуридан 1,0 гектар яйлов ер майдони енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан; 0,5 гектар яйлов ер майдони кемпинг ташкил этиш мақсадида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “ZUFAR-БЕКАТИ” МЧЖ бошлиғи М.Исанкуловга:
иссиқхона қуриш учун ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. “ZUFAR-ВЕКАТИ” МЧЖ кемпинг қуриш учун ажратилаётган 0,5 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 518 700 (олти миллион беш юз ўн саккиз минг етти юз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

5. Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

7. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов